

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
XALQ TA’LIMI VAZIRLIGI**

**NAVOIY VILOYATI XALQ TA’LIMI XODIMLARINI QAYTA
TAYYORLASH VA ULARNING MALAKASINI OSHIRISH
HUDUDIY MARKAZI**

**“INNOVATSION YONDASHUVLAR ASOSIDA MILLIY
TA’LIM TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISH” MAVZUSIDAGI
XALQARO ILMIY-AMALIY KONFERENSIYA
MATERIALLARI TO‘PLAMI**

**СБОРНИК МАТЕРИАЛОВ
МЕЖДУНАРОДНОЙ КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ
«СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ НАЦИОНАЛЬНОЙ СИСТЕМЫ
ОБРАЗОВАНИЯ НА ОСНОВЕ ИННОВАЦИОННЫХ
ПОДХОДОВ»**

**COLLECTION OF MATERIALS
OF THE INTERNATIONAL CONFERENCE ON THE TOPIC
“IMPROVING THE NATIONAL EDUCATION SYSTEM
BASED ON INNOVATIVE APPROACHES”**

NAVOIY – 2021

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
XALQ TA’LIMI VAZIRLIGI**

**NAVOIY VILOYATI XALQ TA’LIMI XODIMLARINI QAYTA
TAYYORLASH VA ULARNING MALAKASINI OSHIRISH
HUDUDiy MARKAZI**

**“INNOVATSION YONDASHUVLAR ASOSIDA MILLIY TA’LIM
TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISH” MAVZUSIDAGI
XALQARO ILMiy-AMALIY KONFERENSIYA
MATERIALLARI TO‘PLAMI**

**СБОРНИК МАТЕРИАЛОВ
МЕЖДУНАРОДНОЙ КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ
«СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ НАЦИОНАЛЬНОЙ СИСТЕМЫ
ОБРАЗОВАНИЯ НА ОСНОВЕ ИННОВАЦИОННЫХ
ПОДХОДОВ»**

**COLLECTION OF MATERIALS
OF THE INTERNATIONAL CONFERENCE ON THE TOPIC
“IMPROVING THE NATIONAL EDUCATION SYSTEM BASED
ON INNOVATIVE APPROACHES”**

Innovatsion yondashuvlar asosida milliy ta'lim tizimini takomillashtirish.

Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari.–Navoiy: Navoiy viloyati XTXQTMOHM nashri, 2021. 419 b.

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2021-yil 2-martdagi 78-F Farmoyishi bilan “O‘zbekiston Respublikasida xalqaro va respublika miqyosida 2021-yilda o‘tkaziladigan ilmiy tadbirlar rejasi” asosida tashkil etilgan “Innovatsion yondashuvlar asosida milliy ta’lim tizimini takomillashtirish” mavzusidagi Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari to‘plamida uzluksiz ta’lim tizimida tadqiqot olib borayotgan mutaxassis-olimlar, mustaqil izlanuvchilar ilmiy-nazariy izlanishlarining amaliy tadbirlari keltirilgan. Raqamli texnologiyalar asosida o‘qitish metodikasini takomillashtirish borasidagi xalqaro tajribalar, umumta’lim fanlarini o‘qitishda raqamli texnologiyalardan foydalanish hamda ta’lim, fan, xalqaro aloqalar va boshqaruv faoliyatining ustuvor yo‘nalishlarini rivojlantirish hamda “Yoshlarni qo‘llab-quvvatlash va aholi salomatligini mustahkamlash yili” Davlat dasturida belgilangan vazifalar doirasida bajarilayotgan izlanishlarga bag‘ishlangan ilmiy tadqiqot natijalari yoritilgan.

Konferensiya materiallaridan oliy ta’lim muassasalari professor-o‘qituvchilari, akademik litsey va kasb-hunar kollejlari, umumta’lim maktablari o‘qituvchilari, magistrantlar va iqtidorli talabalar hamda shu sohada ilmiy ish olib borayotgan tadqiqotchilar foydalanishlari mumkin.

TAHRIR HAY’ATI

<i>Ro‘ziqulov F.R.</i>	<i>- psixologiya fanlari nomzodi, dotsent.</i>
<i>Pulotov A.M.</i>	<i>- pedagogika fanlari nomzodi, dotsent.</i>
<i>Suvonov O.O.</i>	<i>- texnika fanlari nomzodi, dotsent.</i>
<i>Pulatov J.N.</i>	<i>- falsafa fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD).</i>
<i>Shomiyev G‘.O‘.</i>	<i>- iqtisod fanlari nomzodi, dotsent.</i>
<i>Safarov D.X.</i>	<i>- katta o‘qituvchi.</i>
<i>Boboqulov.J.Q.</i>	<i>- UKTTE bo‘limi boshlig‘i.</i>

Texnik muxarrir:

Axmedov S.T.

Maqolalar mazmuni va ma‘lumotlarning haqqoniyligiga mualliflar mas‘ul.

Konferensiya materiallari to‘plami Navoiy viloyati XTXQTMOHM Ilmiy-metodik kengashi (2021-yil 30-aprel, 3-sonli) qarori bilan nashrga tavsiya etilgan.

2-SHO'BA: TA'LIM JARAYONINING PSIXOLOGIK VA PEDAGOGIK JIHATLARI: MUAMMOLAR VA YECHIMLAR

ЎСМИРЛАР ОРАСИДА СУИЦИД ҲОЛАТЛАРИНИНГ СОДИР ЭТИЛИШИНING САБАБЛАРИ

*Баротов Ш.Р.,
БухДУ профессори,
Ахмадов Н.Р.,
БухДУ магистранти*

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг ёшлар тарбиясига жуда катта эътибор бериб, уларни ҳар томонлама етук ва баркамол ўсмир бўлиб етишига катта имкониятлар эшигини очиб берди. Айниқса, ёшлар тарбиясида миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги ва муштараклиги аллоҳида ўрин тутди. Бугунги кунда педагог-психологларнинг ахборотлар оқими узлуксиз коммуникация тармоқларидан узатилаётган бир даврда хавфсизликни таъминлаш, хатарлар, салбий оқибатларнинг олдини олишни масъулиятли вазифамиз. Шу боисдан ўқувчи ёшларимиз фаол меҳнат қилиши учун аввало руҳий саломатликни сақлаш ва мустаҳкамлаш, яъни нерв-психик касалликларини олдини олишнинг мазмун-моҳиятини тушуниб бормоғи даркор.

Суицид (лот. sui caedere – ўзини ўлдириш) – мақсадли равишда ўзини ҳаётдан маҳрум қилиш, одатда, ихтиёрий ва мустақил равишда ўз жонига қасд қилиш. Ўз жонига қасд қилиш ҳолатларига нисбатан жамият тараққиётининг турли даврларида ва турли маданиятларда ўзгача муносабат бўлганлиги кузатилади. Булар:

- қасд қилиш маросими (ритуали);
- ор-номус учун диний (қурбонлик);
- жуфтлар орасидаги садоқатни исботлаш;
- яқин кишисини йўқотиш;
- одатий социал статусни йўқотиш;
- касбий муваффақиятсизлик;
- касалликларга хос эмоцияларга чидамсизлик ва бошқа сабаблар.

Суицидга мукамал таърифни француз социологи Эмиль Дюркгейм берган. Унинг талқини бўйича, ўсмир томонидан ўзини кутаётган натижа ҳақида била туриб, содир қилинган салбий хатти-ҳаракатнинг бевосита ёки билвосита натижаси бўлмиш ҳар бир ўлим ҳолати ўз жонига қасд қилишдир. (Эмиль Дюркгеймнинг 1897 йилда нашр этилган “Суиқасд” асари суицидга оид адабиётнинг классик намунасидир. Ушбу асарда олим мавжуд статистик маълумотларга таяниб суиқасд нафақат психологик муаммо, балки ижтимоий илдизга эга хатар эканлигини исботлаган.

Расмий маълумотларга қараганда жаҳонда ёшлар орасида ўз жонига қасд қилиш ўтган йигирма йил давомида икки баробарга ошган. 11-15 ёшда бўлган ўсмирларнинг 16 фоиз бу ҳолатни бошидан кечиради, 6 фоизни ўғил болалар, 10 фоизни қиз болалар ташқил этади.

Суицидиал ҳолатларнинг 90 фоизи психосоматик касалликларга чалинган ўсмирлар томонидан, 10 фоизи бундай касалликларга чалинмаган ўсмирлар томонидан амалга оширилади. Баъзи мутахассислар ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг 90 фоизни ўзига эътиборни жалб қилиш билан изоҳлайдилар.

Вояга етмаганлар томонидан суицидни амалга ошириш ўсмирий фожеа, табиий офатлар, умидсизлик, ўлим кўрқуви таъсирида кечади. Вояга етмаганларнинг ўз

жонига қасд қилиш ҳолатларини текшириш шуни кўрсатадики, аксарият суицидлар оиладаги келишмовчилик, ўқитувчилар, педагогларнинг кўполлиги, синфдошлари билан келишмовчилик, турли можаролар, атрофдагиларнинг эътиборсизлиги оқибатида юз беради.

Кўп ҳолларда ёшларнинг ўз ташвишларига ота-оналар ва ўқитувчилар эътиборини жалб қилиш мақсадида журъат қилиш ва бундай даҳшатли йўлни кўполлик, бепарқлик, инсофсизлик ва шафқатсизликка қарши исён деб кўрсатадилар. Бундай қадам табиатан таъсирчан ўсмирлар томонидан ўзини ёлғиз, кераксиз деб ҳис қилиш оқибатида турли стресслар таъсирида амалга оширилади.

Ўз жонига қасд қилиш айна табиат гуллаб яшнаган даврда яъни баҳорда кўпроқ қайд этилади. Психологлар қалбдаги тушкун кайфият ва табиатнинг турфа ранглари ўртасидаги контраст, кескин фарқ бунга сабаб бўлиши мумкин, деб кўрсатадилар. Америкалик олим энг шафқатсиз ой деб апрелни кўрсатади. Суициднинг энг кўп миқдори айнан апрель ойига тўғри келиши қайд этилган.

Суицидга сабаб бўлувчи асосий ижтимоий омиллар:

- парасуицид (аввал амалга ошмаган суицид таъсирида иккиламчи суицидни амалга ошириш);

- суицидиал таҳдидлар таъсирга тушиш;

- оилада суицид ҳолати қайд этилганлар;

- аутоагрессия;

- алкогольли ичимликларни истеъмол қилувчи ўсмирлар (жами суицидларнинг 30 фоиз);

- наркоген ва токсик моддаларни истеъмол қилувчилар (алкоголь ва наркоген моддаларни сурункали истеъмол қилиш депрессия, тушкунлик, ўзини гуноҳкор ҳис этиш кайфиятини келтириб чиқаради, яшашга бўлган мотивацияни пасайтиради.);

- оғир депрессияга чалинганлар;

- хроник ва летал оқибатли (тузалишига умид йўқ бўлган ҳолатларда) касалликлар;

- оғир йўқотишларни (ўз яқинидан, яхши кўрганидан маҳрум бўлиш ва бошидан кечирганлар);

- оиладаги турли муаммолар (зўравонликлар, можаролар, ажралишлар ва ўсмирлар суиқасди деб аталадиган ҳолат ёки тиббиёт тили билан айтганда, жинсий балоғат давридаги суицид.

Ўз жонига қасд қилишни биринчи бўлиб: IV асрда авлиё Августин қоралаб чиқди. У суицидни диний таълимотни бузувчи қотиллик шакли деб ҳисоблайди. Авлиё Августин жамиятнинг суицид ҳолатига нисбатан жиноят сифатида қарашини оқлаган ҳолда тўрт далил, яъни асосни келтириб ўтган: -инсон айбдор инсон ҳуқуқига эга эмас (айби бўлмаган ҳолда айбдордек ўлиши мумкин эмас); - ўз жонига қасдқилувчи ўз жонини олар экан, у инсонни ўлдиради; - софдил руҳ барча азоб-уқубатларни енгиб ўтади; - ўз жонига қасд қилган, гуноҳкорларнинг энг ёмони сифатида ўлади.

Суицидал хулқ-атвор умуминсоний реакцияларнинг бир кўриниши, варианти сифатида суицидал фаолликнинг барча кўринишлари, индивиднинг ўсмирий ҳаракатлари асосидаги эҳтимолий ўлимнинг барча вариантларига муносабатини камраб олиб, уларга қуйидагилар тегишлидир

- суицидал фикрлар (пассив - тасаввур, ўз ўлими мавзусидаги хаёлот (фантазия), фаол – кўнгилли тарздаги ўлим ҳақида тўғридан-тўғри эътироф);

- суицидал ният – суицидаллик намоён бўлишининг фаол шакли, яъни ўз жонига қасд қилиш тенденцияси, унинг чуқурлашуви уни амалга ошириш режасининг ишлаб чиқилганлик даражасига мувофиқ намоён бўлиб, суицид усули, ҳаракат вақти ва жойи ўйлаб кўрилади;

- суицидал мақсадлар – иродавий компонентнинг қарорига эргашиш;

- суицидал уринишлар – ўлим билан яқунланмаган ўзини мақсадли равишда ҳаётдан жудо қилишга ҳаракат;

- суицидлар (кўргазмали, аффектив ва ҳақиқий).

Суицид содир этилган ҳудудда “Вертер қонуни” миш-мишлар асосида ривожланиб, суиқасднинг қайталанишига замин яратади. “Вертер қонунига” (“Менга тақлид қил” қонуни) барча девиант, деструктив хулқ-атвор бўйсунди. Шунинг учун суиқасд содир этилган ҳудудда зудлик билан профилактик чора-тадбирлар ташкил этилиб, аҳоли ўртасида (вояга етмаганлар бундан истисно) тушунтириш ишларини бориш, суициднинг психофизиологик механизмларини ёритиб бериш даркор. Ана шу чора-тадбирлар орқали миш-мишнинг тарқалишини олдини олишга, демак суиқасднинг камайишига замин яратишимиз мумкин.

Профессор А.Амбрумова ўз-ўзини ўлдиришни ижтимоий (қисман тиббий) муаммо ҳисоблаб, унга қуйидагича таъриф берган эди: “Суицид бу – ўсмирнинг ижтимоий ва психологик жиҳатдан ўзи бошидан кечираётган микроижтимоий келишмовчиликларга мослаша олмаслиги”

Ўз жонига қасд қилиш хавфининг омиллари қуйидагилар ҳисобланади:

1. Ижтимоий-демографик:

- болалиқдан отасизлик;

- оилада “матриарх” муносабатлар таъсири (онанинг кучли таъсири);

- эътиборнинг етишмаслиги, болалиқ ва ўсмирликда рад этилиши;

- ҳаддан ташқари ғамхўрлик, “оиланинг эркаси” туридаги тарбия;

- ўспиртли ичимликлар муҳити” оиласида тарбияланиш;

- оилада мунтазам равишдаги уруш-жанжаллар;

- ота-онанинг ажрашиб кетиши;

- ота-онаси бор бўлган ҳолда болалар уйида тарбияланиш;

- оилада асаб касалликлари билан оғриган касалларнинг борлиги;

- оилада ўз жонига қасд қилиш, суиқасд қилиш ёки яқин қариндошлар томонидан ўз жонига қасд қилиш билан кўрқитиш ҳолатларининг мавжудлиги.

2. Биографик:

- уйдан қочиб кетиш;

- ўқиш ва иш жойини тез-тез ўзгартириш;

- спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик ёки психотроп моддаларни суистеъмол қилиш;

- ўз жонига қасд қилиш ҳаракатларини содир этиш;

- ўсмирлик даврида бир қатор муваффақиятсизликлар; ўқишда омадсизликлар, жамоадан ажралиб қолиш;

- ўзини ўзи ўлдирган дўстлар бўлиши.

3. Тиббий:

- соматик патология (ички касалликлар);

- церебро-органик патология (бош мия касалликлари);

- руҳий-асаб касалликлари (ташқи таъсирга жавоб берадиган (реактив) оғир руҳий кайфият, тушкунлик, ноалкоголь токсикомания, психопатия, аффектив психозларда энг кўп хавф туғилади).

4. Индивидуал.

Ўсмирнинг аниқ характеристикаси эмас, ўсмир тузилмасининг бутунлиги даражаси: унинг алоҳида белгиларининг мувозанати сақланганлиги шунингдек, ахлоқий-маънавий қарашлар ва тасаввурларнинг мазмуни ҳал қилувчи ҳисобланади. Характерли белгилари бир-бирига ҳамоҳанг бўлмаган ўсмирларда ўта юқори хавф бўлади, уларда характернинг алоҳида белгилари бўрттирилган ҳолда ривожланади ва етарли бўлмаган ифодаларда кўринади. Ўртача аҳамиятдан нари борган сари, хавф юқори бўлади. Шунингдек, жонига қасд қилиш хавфини қуйидагилар орттиради:

- аффектив нотурғунлик ёки ҳиссиётнинг тормозланиши;
- ўтакетган киришимлилик ёки етарли бўлмаган киришимлилик;
- ўзига ўта юқори ёки ўта паст баҳо бериш;
- ижтимоий ўсишдан ортда қолиш ва ахлоқий-этник нотурғунлик.

Ўз жонига суиқасд қилувчиларнинг ўсмирига оид хусусиятларига қуйидагилар киради:

- ўзига паст ёки жуда паст баҳо бериш;
- ўзига нисбатан ишончсизлик;
- ўзини-ўзи намоён қилишга бўлган юқори эҳтиёж;
- улар учун илиқ муносабатлар, ҳиссий алоқалар, ўзаро муносабатларда самимийлик, атрофдагилар томонидан тушунувчанлик ва қўллаб-қувватланишнинг мавжудлиги юқори аҳамиятга эга;
- қарор қабул қилишда иродавий зўриқишнинг мураккаблиги;
- оптимизм ва қийинчиликлар бўлган вазиятларда фаоллик даражасининг сусайиши;
- ўз-ўзини айблаш, айбини ошириб юбориш тенденцияси;
- мустақилликнинг йўқлиги;
- юқори даражада хавфсираш;
- ўсмирнинг етарли бўлмаган социализацияси, етилмай қолиш ва камолотга етмаслик.

Тамомланган жонга қасд қилиш ҳақида ёки тугалланмаган суиқасд ҳақида гап кетишидан қатъий назар, ушланган ўсмир ҳаётининг ўз жонига қасд қилишдан олдинги ҳолатларига оид бўлган даври асосий қизиқиш уйғотади. Вақтнинг бу даври (жонига қасд қилишдан аввалги) ўсмирнинг алоҳида руҳий ҳолатини тавсифловчи давр ҳисобланади ва жонига қасд қилиш ҳаракатларининг эҳтимоллигини оширишга сабаб бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Дюркгейм Э. Самоубийство: Социологический этюд. Пер. с франц. М.: Просвещение, 2004. – 375 с.
2. Амбрумова А.Г. Непатологические ситуационные реакции в суицидологической практике // Научные и организационные проблемы суицидологии. – М., 1983. – С. 40-52.
3. Ғ.Б.Шоумаров, У.Д. Қодиров. Суицид – ижтимоий муаммо сифатида // "Психология" журнали, №3, 2015. – Б.13-19; Реализация стратегии по предупреждению суицидов в Республике Узбекистан на 2010-2020. Методическое пособие. – Ташкент 2011.

<i>Amonova G.B.</i>	Boshlang'ich sinf darslarida innovatsion texnologiyalardan foydalanish	69
<i>Отақулов С.Э.</i>	Таълимда инновацион технологияларнинг аҳамияти	70
<i>Arziyeva G., Avezova B.</i>	Kimyo fanini o'qitishda innovatsion texnologiyalardan foydalanish	73
<i>Davronova M., Toshniyozov F.</i>	Kimyo darslarini takomillashtirishda iqtidorli bolalarni tarbiyalashning ahamiyati	75
<i>Zoyirova M., Ibragimova M.</i>	Kimyo fanini o'qitishda zamonaviy ta'lim texnologiyalari asosida tashkil etish usullari	77
<i>Shukrullayeva G.Z.</i>	Yosh avlodni yangicha fikrlashga o'rgatishda boshlang'ich sinf o'qituvchilarining vazifalari	78
<i>Shavqiyeva F.M.</i>	Maktabda Cho'lpon asarlari tilini o'rgatish metodikasi	80
<i>Abdurahimova M.A., Sa'dullayeva F.S., Boboxolova G.S.</i>	Ta'lim jarayoni uchun interaktiv ta'lim muhiti yaratish va uning sturukturasi	82

2-SHO'BA: TA'LIM JARAYONINING PSIXOLOGIK VA PEDAGOGIK JIHATLARI: MUAMMOLAR VA YECHIMLAR

<i>Баротов Ш.П. Ахмадов Н.П.</i>	Ўсмирлар орасида суицид ҳолатларининг содир этилишининг сабаблари	85
<i>Қосимов У.А.</i>	Модулли ўқитиш орқали малака ошириш	89
<i>Barotova D.Sh., Qodirova D.M.</i>	Psychological aspects of the formation of moral and cultural qualities in primary school students	92
<i>Zoyirov Z.X.</i>	Iqtisodiy fanlarni o'qitishning samaradorligida interfaol metodlarning o'rni va ahamiyati	94
<i>Йўлдошев К.</i>	Таълим самарадорлиги инновацион технологияларга боғлиқ	97
<i>Қодиров У.Д.</i>	Агрессив хулқли болалар ота-онаси билан ишлашнинг ўзига хос психологик жиҳатлари	98
<i>Рўзиқулова А.Т.</i>	Ҳозирги замон оилаларида эътиқод тарбияси, унинг психологик моҳияти ва соғлом руҳиятни шакллантирувчи ижтимоий омиллар	101
<i>Сафаров Д.Х.</i>	Бозордаги “сотувчи-харидор” диадаси ўзаро муносабатларининг иқтисодий-психологик тавсифи	103
<i>Қораяев З., Рўзиева Г.</i>	Муносабат мотивациясини ўрганиш услуби	106
<i>Ражабов О.Ж., Холматова О.О.</i>	Иқтидорли талабалар билан “устоз-шогирд” тизимида иш олиб бориш методлари	109
<i>Xoliqova G.</i>	Delphi dasturlash muhitida ilovalar yaratish	113
<i>Hamidova G.T.</i>	Malaka oshirishda boshlang'ich sinf o'qituvchisi shaxsining kasbiy sifatlarini shakllantirish va rivojlantirish	116
<i>G'ulomova N.S.</i>	Alisher Navoiy lirik asarlari semantik teglari bazasini yaratishning ahamiyati	119